


# ГЕНДЕР ва СУВ



4

*Гендер, сув, қишлоқ хўжалиги  
ва озиқ-овқат маҳсулотлари*



Биз, гендер ва сув муаммолари Альянси (ГСМ Альянси) мазкур буклетни қўлга олаётганингиздан хурсандмиз. Унинг ёрдамида биз Сизларга жуда ҳам муҳим ва долзарб муаммолар ҳақида сўзлаб берамиз.

Дастлаб шуни айтмоқчимизки, бу суҳбат буклетни ўқиш билан бошланади. Шу билан бирга, умид қиламизки, бу буклетда ўқиганларингиз ҳақида яқин қариндошлар, мактаб ва ишхонадаги таниш-билишларга сўзлаб берасиз. Сиз бу буклетни ўқиб чиқиш тўғрисида маслаҳат беришингиз, агар ўқитувчи бўлсангиз, уни она тилингизга таржима қилиб, нашр эттиришингиз мумкин. Шунингдек,

Сиз у ердаги расмлардан фойдаланиб, мулоқот, баҳс-мунозара ўтказишингиз ва ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, уларда ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил баён этиш кўникмаларини шакллантиришингиз мумкин.

Сиз Интернетдаги [WWW.GENDERWATER.ORG](http://WWW.GENDERWATER.ORG) сайтига кириб, барча буклетларнинг расмларини кўчириб олишингиз мумкин.

Шу ўринда муаллиф ҳамда гендер ва сув муаммолари Альянси ходимларига миннатдорчилик билдиришни унутманг.

Сўз охирида шуни айтмоқчимизки, агар Сиз гендер ва сув муаммолари тўғрисида батафсил маълумот олмоқчи бўлсангиз, ГСМ Сизнинг хизматингизда.

Сиз ва биз – ҳар биримиз ўз яшаётган жойимиз, у ердаги дарё, кўл ва сув ҳавзаларини бошқаришда ўз ҳиссамизни қўшишимиз ва бу билан ҳаммамизни сув билан таъминлашга хизмат қилишимиз мумкин.

Энди навбат Сизга. Яхши кайфият, катта қизиқиш билан ўқиб чиқишингизга тилакдошимиз.





Хмм...  
Менинг оилам  
учун гуруч, ловия,  
балик, картошка,  
апельсин, нон,  
сабзи, карам,  
товуқ, гулкарам...  
керак.

**Ҳамда сув!**

**Сув ҳам озиқ ҳисобланади!**








Танамизнинг асосий қисми сувдан иборат. Сув танамизнинг ҳар бир хужайрасида мавжуд бўлиб, унинг фаолияти учун жуда муҳимдир. Сув қоннинг, кўз ёшларининг, хазм қилиш суюқлигининг, тернинг... бир бўлагидир.

Ҳисоблашларича, инсон танасининг 70% сувдан иборат экан. Шунинг учун инсон сувсиз уч кунгина яшаши мумкин. Соғлом бўлиш учун ҳар куни тахминан 8 стакан сув ичиб туриш керак.



**Мана шунинг учун ҳар бир инсон  
тоза сувни керагича истеъмол қилиш,**



# **ундан керагича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак!**


Кўп мамлакатларда сув тақчил бўлгани учун,  
у ердаги аҳолига соғлиқни сақлаш учун, баъзан ҳатто  
яшаш учун ичишга ҳам сув етмайди. Озиқ-овқат, оила  
ташвишлари бошида бўлган аёллар, айниқса, бундан азият  
чекадилар. Сув етмаса, аёллар ва болалар узоқ жойлардан  
сув олиб келишга мажбур бўладилар.  
Шунинг учун тоза сув кранлари ҳар бир хонадонга яқин  
бўлиши керак.

**Бу аёллар, эркаклар, болалар, ёшлар ва  
қариялар- ҳаммининг ҳуқуқидир**






# Озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиши учун ҳам сув керак!





Ёмғир сувини кутиб ўтирмасдан, деҳқонлар далаларни суғоришади. Суғориш орқали озгина ерда ҳам, ўрмонларга зарар келтирмасдан туриб, кўп маҳсулот етиштириш мумкин. Бундан ташқари жамоага кўп фойда келтирадиган экинларни ҳам етиштириш мумкин. Лекин сув етарли бўлмаса, деҳқончиликдан фойда бўлмайди. Бундан ташқари, сув бўлмаса қандай қилиб уй ҳайвонларини боқиш мумкин? Тухум? Балиқ етиштириш?





**Сув такчил жойларда  
сув бўлиши керак.**





*Сувдан узоқда бўлган ва ажралиб қолган хонадонларнинг хўжаликларини сув сақлаш учун катта идишлар ясаш, ёмғир сувларини тўплаш ва сув етказишининг бошқа йўллари орқали сув билан таъминлаш ҳамда оилаларнинг яшаши учун имкон яратиши мумкин.*

*Дамбаларни қуриши жамоа қарори орқали амалга ошириши мумкин. Бу усуллар одамларни, энг аввало, бу иш зиммасида бўлган аёлларни, болаларни, ёшлар ва қарияларни узоқ жойлардан оғир-оғир идишларни елкага, бошига қўйиб сув олиб келишдек мураккаб вазифадан озод этади.*





*Бундан кимга фойда? Сув етишмаслигидан қийин шароитларда яшаётган ҳамма одамлар, биринчи галда аёллар учун, кичик-кичик фермер хўжаликлари учун.*






*Бутун дунёда аёллар ўз оиласини сув ва озиқ-овқат билан таъминлашга масъулдирлар. Уй хўжалигининг асосий қисмини аёллар бошқарадилар. Аёллар ер ва сувга яхши муносабатда бўладилар, уларнинг қадрига етадилр. Биз одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, бунинг учун барчага, аёлларни ҳисобга олган ҳолда, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, ерларнинг унумдорлиги, энг асосийси, керагича тоза сув олиш учун керакли шароитлар яратиш керак.*



*Лекин ҳеч ким озиқ-овқат маҳсулотлари етиштираётман деб, ерга ва сувга ёмон муносабатда бўлишга ҳаққи йўқ. Қишлоқ хўжалигини юритишининг кўнгина усуллари мавжуд. Шунинг учун ер ва сувдан фойдаланиш бўйича қарорларни қабул қилишда барча, айниқса, яшаб қолиши мазкур ресурсларга жуда ҳам боғлиқ бўлганлар иштирок этишлари керак. Ким ерга яхши муносабатда бўлса, мунтазам равишда ҳосил етиштирса, ҳоҳ у аёл бўлсин, ҳоҳ эркак, ҳоҳ якка шахслар ёки жамоалар бўлсин, ўшаники бўлиши керак.*





*Айниқса, фермер-аёллар маҳсулот етиштиришга ва ўз оиласини боқишга, маблағ топишга ва ривожлантиришга зарур бўлган нарсаларнинг барчасига: сувга, ерга эгаллик қилиш ҳуқуқига, кредит олишга ва бозорга эга бўлишлари керак ва ... яна шуни таъкидлаш керакки,*

*эркакларга қандай шартлар асосида берилган бўлса, худди шундай шартлар асосида.*



## Диққат:

# сув - бу хавфсизлик масаласидир: **ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ**

---

Озиқ-овқат хавфсизлиги – бу саломатликни сақлаш учун етарлича овқатланишдир. Лекин бу ҳар қандай овқатни ейишни кўзда тутмайди.


Биз яхши ҳолатдаги, одамларнинг одатларига мос келувчи, тўйимли маҳсулотлар ҳақида гапирмоқдамиз, чекланмаган ҳамма учун ва ҳар куни озиқ-овқат хавфсизлиги.





Овқатланиш ҳуқуқини кафолатлашдан олдин биз битта тўсиқни енгишимиз зарур. Дунёда сув миқдори ўзгармас ва деярли бир хил. Лекин сувга талаб мунтазам ошиб бормоқда. Яъни, сув ҳар хил мақсадларда фойдаланиш учун керак. Жавоб-чи, қандай?

## **Биз сувни биргаликда ишлатиш ниятидамиз!**



Сувни тўғри тақсимлаш лозим,  
чунки уни турли мақсадларда ишлатиш мумкин.

## Сувдан фойдаланишнинг

Одамлар ва  
ҳайвонларнинг ташналигини  
қондириш



Экинларни  
ўстириш учун






# асосий кўринишлари:

санитария ва жамоатчиликнинг соғлиғи учун: хонадонларни сув билан таъминлаш, чиқиндиарни йўқотиш ва атроф-муҳитни сифатини сақлаб туриш



# Сувни тежаш учун жуда ҳам кўп мунозаралар олиб бориш керак!


*Бу мунозараларда ҳокимият вакиллари, фуқаролар  
ва бир бассейн сувидан фойдаланувчилар  
иштирок этишади.*






Ҳокимиятнинг бир ўзи қарорларни қабул қилмайди.  
Сув ресурсларини бошқаришда сувдан  
фойдаланувчиларнинг барчаси иштирок этиши лозим.  
Сувдан фойдаланишнинг ҳар бир тури ўз асосига  
эга ва шунинг учун ҳамма мурося қилиб  
фойдаланишини керак. Йиғилишларда ҳар бир  
фойдаланувчи қанча сув олиши керак ва унинг  
қиймати қанча бўлиши масалалари ҳал қилинади.  
Ҳар бир одам сувдан фойдалангани учун пул тўлаш  
керак. Сув, ўрмонлар ва булоқларни муҳофиза  
қилувчиларнинг меҳнати тақдирланиши лозим.

**Агар бизда озиқ-овқат ва тоза сув  
бўлишини истасак, бир нарсани унутмаслигимиз  
керак:**



*Сув ўрмонларга, далаларга, тўқайзорларга,  
водийларга, дарё қирғоқлари бўйидаги ўрмонларга  
ва уларда мавжуд бўлган ўсимликлар  
ва ҳайвонларга ҳаёт бағишлайди.*





*Ҳозирги вақтгача табиат сув тақсимлангандан қолганига эга бўларди. Чунки турли хил талаблар кўпайган сари, сувдан фойдаланиши ҳам ортиб боради...*

## **ТАБИАТНИ АСРАШ УЧУН СУВГА КАФОЛАТ БЕРИШ КЕРАК !**



## **АГАР ТАБИАТ УЧУН СУВ ЕТАРЛИ БЎЛМАСА, МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ УЧУН ҲАМ СУВ ЕТМАЙДИ.**


*Ҳамма нарсада сув бор. У кўрпага ўхшайди.  
Агар унинг бир томонини кўпроқ тортиб юборсангиз,  
иккинчи томони очилиб қолади.*

*Агар ўрмонлар, водийлар, тўқайзорлар ва улардаги  
жонзотларнинг аҳволи ёмонлашса, у ҳолда  
одамларнинг, айниқса аёллар, болалар ва қарияларнинг  
ҳам аҳволи ёмонлашади.*





*Агар табиий ландшафтнинг бир қисмини ўзлаштирилса, унда яшовчи, атроф-муҳит ва бизлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, кўпгина жониворлар, ўсимликлар йўқолиб кетади. Уларнинг йўқолиб кетиши эса жуда қимматга тушади. Табиий мувозанат бузилади ва биз ҳайвонлар ва ўсимликларнинг йўқолган турларини тиклашга кучимиз етмайди. Ўрмонлар йўқолиб кетса тупроқ унумдорлиги йўқолади. Сув тақчил бўлиб, ичишга яроқсиз бўлиб қолади. Одамлар сув етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касалларга чалинадилар. Ўрмонларни қайтадан барпо қилиш деярли мумкин эмас, сув топиш қийинлашади, ҳаёт оғирлашади.*



# Қишлоқ хўжалиги масъулият

*Баъзи ерларда юқори ҳосил олиниши учун сугориладиган ва механик ишлов бериладиган далаларда сув жудаям кўп шилатилиб, бошқа фойдаланувчиларга жудаям кам қолади. Тупроқ ювилиб, ҳосилдорлиги йўқолади ва сув оқадиган ҳудудларни эгаллаб олади.*





# билан юритилиши лозим.

*Фермерлар томонидан ўсимлик касалликларига қарши курашда назоратсиз фойдаланиладиган агрохимёвий воситалар сув учун катта хавф келтириб чиқаради.*

*Ёмғир ва сугориш натижасида заҳарли аралашмаларнинг қолдиқлари дарё ва ер ости сув манбаларига қўшилиб, сувни ифлослайди ва бундай сув ишлатишга яроқсиз бўлиб қолади.*



# ТАБИАТ СУВНИ ТОЗАЛАЙДИ!

*Одамларнинг янада кўпроқ фаолиятлари сувни ифлослантarmoқда. Кўп одамлар дарё ва денгиздан чиқинди қутиси сифатида фойдаланишида давом этmoқдалар. Бугун биз фойдаланадиган сув – бу эртага ичишимизга тўғри келадиган сувдир. Чунки табиат сувни ҳамма учун қайта ишловдан ўтказadi. Лекин сувни тозалаш учун атроф-муҳит ибтидоий кўринишида бўлиши керак.*


*Агар ўсимликлар ёки сув инсон фаолияти туфайли ёмонлашса, бундай сувдан, табиий қайта ишланганда ҳам, фойдаланиши қийин бўлади.*

*Чиқинди, агрохимёвий воситаларни, саноат чиқиндиларини сувга ташилаш – бу ишлар табиий мувозанатни бузишга хизмат қилади.*

*Чиқинди ва ахлат ҳаддан зиёд кўпайиб кетса, атроф-муҳит бузилади. Натижа: сув янада ифлосланади, ишлатишга яроқсиз бўлади.*


*Ва бу ҳолда ҳаммамизда тоза сув камаяди.*





## **Сизнинг тупроқ ва сувга муносабат усуллингиз тўғри эмас. Вазият турғунмас.**

*Лекин балиқлар ва дарахтлар сув ва ер ресурларини бошқариш масалалари бўйича йиғилишларда иштирок эта олмайдилар. У ҳолда ким табиатнинг тарафини олади?*






# Ҳамма табиат учун ғамхўрлик қилиши керак.

*Ҳамма табиатнинг тарафини олиши керак. Серҳосил ва соғлом атроф-муҳитда яшашга ҳамманинг ҳаққи бор. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.*

*Биз ва бизнинг фарзандларимиз, уларнинг болаларининг авлодлари учун. Ким табиат билан кўпроқ мулоқотда. Ким келажак авлодларнинг озиқ-овқат ва сув билан таъминланишидан манфаатдор?*

**Аёллар. Улар табиатни ҳимоя қилиш учун сув ва ер ресурсларини бошқаришда иштирок этишлари лозим.**



ТАБИАТНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ УЧУН  
БИЗ ТЎХТАШИМИЗ, АТРОФНИ  
КУЗАТИШИМИЗ, ТАБИАТ БИЗГА  
БЕРАЁТГАН ИЩОРАЛАРНИ  
АНГЛАШИМИЗ ЗАРУР.

*Табиатни англаш учун  
биз сезгир бўлишимиз зарур.*

*Ҳозиргача, ер эгаси бўлгани учун ўз ери ва ўзининг ҳудудидан оқиб ўтадиган сувдан истаганича фойдаланиши, хоҳлаган ишини қилиши мумкин, деган фикрдаги одамлар бор.*

*Ҳозирги вақтгача ер ва сув ресурсларини бошқаришда уларга қулоқ солиб келинар эди.*

**Биз бошқа овозларни ҳам унутмаслигимиз керак. Табиатни тушунувчи ва муҳофаза қилувчиларга ҳам қулоқ солинглр.**





*Қачон ҳукумат аъзолари табиатни тўғрибошқариши бўйича режа билан келадилар? Қачон улар тўғон қурмоқчи бўлсалар ёки дарё оқимини ўзгартирмоқчи бўлганларида. Улар қатъий мақсадга эга бўлишлари мумкин. Лекин фақат биргина фикр аҳамиятга молик бўладими? Ҳамма тўғон қурилишидан манфаатдорми? Қурилмоқчи бўлган сув омбори тагида қоладиган ҳудудда яшовчилар-чи? Шу ҳудудда балиқчилик орқали тирикчилик қиладиганлар-чи? Ҳисобга олиниши керак бўлган кўп сабаблар бор.*



*Биз табиатга, у бизга бераётган неъматлар,  
масалан сув, ер, ўрмонлар ва жонли мавжудотларга  
гамхўрлик қилишга масъулдирмиз. Шу йўл билан  
биз келажак авлодлар саломатлиги ва озиқ-овқатини  
таъминлашимиз мумкин. Биз табиатни ҳеч қачон  
унутолмаймиз.*

*Ахир у онамиз-ку!*







Нашрга тайёрловчилар:

Матн ва расмлар

Жиральдо Алвс Пинто ва Мегетерио

(Мигель Мендес Риэс, Марко Антонио де Ж.Ферейро, Фабио Ферейра,  
Вандерлей Сорэс. Сотрудничество Феррета)

Таржимон

Мороу Гейнес Кэмпбел III

Муҳаррир

Instituto Ipanema- Бразилия

[www.institutoipanema.net](http://www.institutoipanema.net)

Йўналиш: Demetrios Christofidis e Ninon Machado

Реализация

Гендер ва сув муаммолари Альянси - АГС

Ижрочи директор: Джоук Муйлвижк

[jokemuylwijk@chello.nl](mailto:jokemuylwijk@chello.nl)

[secretariat@gwalliance.org](mailto:secretariat@gwalliance.org)

[www.genderandwater.org](http://www.genderandwater.org)

Гендера сув муаммолари Альянси

Хогестраат 20, 6953АТ Диерен, Нидерландия

Почта индекси 114, 6950АС Диерен, Нидерландия

+31 313 427230

Муаллифлик ҳуқуқи- Гендер ва сув муаммолари Альянси – АГС

Узбекистон Республикаси , 100187, Ташкент ш., массив Карасу-4, д. 11

Тел. (998 71) 266 50 95, 266 50 96. Факс (998 71) 266 50 97

таржима: Ойгуль Усманова

тахрир: Галина Стулина

саҳифалаш: Джахангир Абдурахманов

*Буклетларнинг барча сериясини ўқиб  
чиқинг, кейин ўқувчилар, касбдошларингиз билан ўзингиз  
хоҳлаганча ишлашингиз мумкин.*

*Сиз расмлардан матнсиз фойдаланишингиз мумкин.*

*АГС веб-сайтига кириш ва расмларни компьютерингизга кўчириб олинг.  
Кейин Сиз расмлардан фойдаланиб, ўз матнингизни ёзишингиз мумкин. Сиз, шунингдек,  
ўзингиз ўйлаб топган ҳикояни гапириб беришингиз ва ўз дарсларингизни  
тайёрлаш учун уларни бошқача тартибда тақдим этишингиз мумкин.*


*Жиральдо ва АГСга миннатдорчилик билдиришни унутманг.*

*Наишнинг узбекча версиясини [www.cawater-info.net](http://www.cawater-info.net)  
порталидан юклаб олишингиз мумкин.*



Буклетлар тўртта:

1. Гендер ва сув. Гендер билан танишув. У ўзи нима?
2. Гендер, сув, тозалик ва саломатлик.
3. Гендер, сув ва иқлимий ҳодисалар.
4. Гендер, сув, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқатлар.



**GWA** GENDER AND  
WATER ALLIANCE



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra

Swiss Confederation